Фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш фаолият кўрсатаётган корхонада (иншоатда) қўшимча ишлаб чиқариш ёки янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш мақсадида асосий, ёрдамчи ва хизмат қилишга йуналтирилган фаолият кўрсатаётган алоҳида цехларни кенгайтириш ва янгиларини қуришдир.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтиришга уларнинг таркибига кирадиган, фойдаланишга топширилганидан сўнг мустақил балансда бўлмайдиган филиаллар ва ишлаб чиқаришларни қуриш ҳам киради.

Фаолият кўрсатаётган корхонани кенгайтириш натижасида унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади (унумдорлиги, ўтказиш имконияти, бино ёки иншоатнинг сифими кабилар) ва бу янги қурилиш йўли билан шунга ўхшаш қувватларни барпо этишга нисбатан камроқ муддатларда ва камроқ харажатлар билан амалга оширилади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилишга илмий-техник тараққиёт ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини ошириш мақсадида мавжуд цехларни ва асосий, ёрдамчи ва хизмат қилиш мақсадли объектларини қайтадан қуриш киради. Реконструкция қилиш, умуман олганда, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, сифатни яхшилаш ва маҳсулот номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида ишлаб чиқилган корхонани реконструкция қилишнинг комплекс лойиҳаси бўйича амалга оширилади. Лойиҳада техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш билан бирга меҳнат шароитларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш ҳам назарда тутилади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилишда қуйидагилар амалга оширилиши мумкин:

- янги, юқори унумли ва техник кўрсаткичлари бўйича янада такомиллашган ускуна мавжуд биноларга сиғмаган ҳолларда асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсадли алоҳида биноларни ва иншоотларни кенгайтириш;

- номутаносибликни тугатиш мақсадида ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсадли янги цехларни ва объектларни қуриш ва мавжудларини кенгайтириш;

- фаолият кўрсатаётган корхона ҳудудида техник ва иқтисодий шароитларга асосан бундан буён фойдаланилиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилиб тугатилаётган бинолар ва иншоотлар ўрнига худди шундай мақсадли янгиларини қуриш.

Реконструкция қуйидаги натижаларни таъминлаши лозим:

- технология таркибий бўғинларидаги номутаносибликларни тугатиш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши;

- кам чиқиндили, чиқиндисиз технологияларни ва ихчам ишлаб чиқаришларни жорий қилиш;

- меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;

- ишлаб чиқариш материаллари сарфининг ва маҳсулот таннархининг камайиши;

- фонд самарасининг ўсиши ва фаолият кўрсатаётган корхонанинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланиши.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни замонавийлаштиришга жисмонан ёки маънавий эскирган ускуналарни юқорироқ самаралисига алмаштириш асосида мавжуд ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкаларнинг техник-иқтисодий даражасини ошириш, шунингдек умумзавад хўжаликлари ва қўшимча хизматларни такомиллаштириш борасидаги тадбирлар мажмуаси киради.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни замонавийлаштириш одатда ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтормаган ҳолда маҳсус лойиҳалар ва тегишли сметалар бўйича амалга оширилади.

Замонавийлаштиришда мавжуд ишлаб чиқариш майдонларига янги ускуналар ва машиналар, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий воситалари қўшимча ўрнатилади, табиатни сақлаш объектлари, иситиш ва вентиляция тармоқларини техник қайта жиҳозланади, корхонани, цехларни ва қурилмаларни иссиқлик ва электр таъминотининг марказлашган манбаларига улаш ишлари кабилар амалга оширилади. Кўпчилик ҳолларда замонавийлаштириш бўйича қилинган харажатлар дастлаб 0800 счётларда қайд этилиб, пировардида тегишли 0100 счётларнинг дебетларига олиб борилади.

Бунда жойлаштирилаётган янги ускунанинг ўлчамлари билан боғлиқ бўлган мавжуд ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини қисман қайта қуриш ва кенгайтириш, агар замонавийлаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар билан боғлиқ бўлса, мавжуд ёрдамчи ва хизмат қилишга йуналтирилган объектларни (масалан: омбор хужалиги объектлари,

компрессор, козонхона, кислород ва бошқа объектлар) кенгайтириш ва янгиларини куриш ҳам амалга оширилади.

Капитал қўйилмалар натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини назорат қилишнинг муҳим таркибий қисми инвентаризациядир. Бу ўз навбатида тегишли равишда тугалланмаган капитал курилишнинг инвентаризациясидан бошланади. Тугалланмаган капитал курилишнинг мавжудлиги ва ҳажми инвентаризация пайтида, унинг бажарилган қисмини натура (ашёвий) кўринишда текшириш йўли билан белгиланади. Инвентаризация қилиш далолатномаларида объект номи ва ана шу объектга доир бажарилган ишлар ва сарфлар ҳажми, ҳар бир алоҳида иш тури, конструктив унсурлар, ускуналар ва ҳоказолар бўйича кўрсатилади.

Инвентаризация комиссияси қуйидагиларни текшириши керак:

- тугалланмаган капитал курилиш таркибида монтажга берилган, лекин ҳақиқатда монтажи бошланмаган ускуналар бор-йўқлигини;

- консервацияланган ва вақтинча курилиши тўхтатилган объектларнинг ҳолатини.

Ана шу объектлар бўйича, хусусан, уларни консервациялаш учун сабаблар ва асосни аниқланиши зарур.

Инвентаризация жараёнида қабул қилиниши ва фойдаланишга топширилиши тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган, курилиши тугалланган, тўлиқ ёки қисман амалда фойдаланишга топширилган объектларга алоҳида далолатномалар тузилади. Тугалланган, лекин маълум сабабларга кўра фойдаланишга топширилмаган объектларга ҳам алоҳида далолатномалар тузилади. Далолатномаларда кўрсатилган объектларни фойдаланишга топширишни расмийлаштириш нима учун чўзилганлиги сабабларини ҳам кўрсатиш лозим бўлади. Далолатномалар асосида тегишли бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

Курилиши тугалланган объектларга, шунингдек, амалга оширилмаган, балансдан чиқарилиши керак бўлган курилиш бўйича лойиҳалаш-тадқиқот ишларига далолатномалар тузилади, уларда курилишни тўхтатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, бажарилган ишлар характери ва уларнинг қиймати тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бунинг учун тегишли техник ҳужжатлар, ишлар, босқичларни топшириш далолатномалари, курилиш объектларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш журналлари ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланилади.

Бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, энергетик қурилмалар ва бошқа объектларнинг ғайриқонуний капитал таъмирланиши ҳолларини инвентаризациялаш натура (ашёвий) кўринишида ишлар ҳолатини текшириш йўли билан амалга оширилади.

Тугалланмаган капитал таъмирга далолатнома тузилади, унда таъмирланаётган объект номи, ишлар номи ва бажариш фоизи, бажарилган ишларнинг сметадаги ва ҳақиқий қийматлари кўрсатилади.

2-боб. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби

2.1. Жорий таъмирлаш харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби

Юқорида қайд этилганидек, асосий воситаларни тиклаш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- * таъмирлаш (жорий, ўрта, капитал);
- * замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш.

Жорий таъмирлаш харажатлари тугридан тугри махсулотларни ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар

дебетланиб тегишли счѣтлар кредитланади. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счѣтларда тегишли харажат моддаларида акс эттирилади.

Таъмирлаш фондини тузган корхоналарда уларни ҳисобга олиш учун 8900 "Келгуси давр харажатлари ва резервлар" счѣтига алоҳида "Таъмирлаш фонди" субсчѣти очилади.

Таъмирлаш фондига ажратмалар қилиш таъмирлашнинг барча турлари буйича режадаги смета харажатларига асосан қилинади. Таъмирлаш фондига қилинган ажратмалар бухгалтерия ҳисоби счѣтларида қуйидагича акс эттирилади.

Дт 2000,2300 ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счѣтлар (ишлаб чиқаришда бевосита қатнашган асосий воситалар)

Кт 8900 "Келгуси давр харажатлари ва туловлари" счѣтининг тегишли субсчѣти.

Таъмирлаш фонди ташкил қилинган корхоналарда таъмирлаш ишлари хужалик усулида амалга оширилган ҳолда таъмирлаш харажатларини 2300 счѣтда ҳисобга олишлари зарур. Ушбу счѣтнинг дебитида ҳақиқатда амалга оширилган таъмирлаш харажатлари ҳисобга олинса, унинг кредитида эса таъмирлаш ишларининг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқаришда 2300 счѣтнинг дебитидаги қолдиқ тугалланмаган таъмирлаш харажатларининг микдорини курсатади.

Бу ерда таъмирлаш харажатлари қилинганда улар бухгалтерия ҳисоби счѣтларида қуйидагича акс эттирилади: Дт 2300 Кт 6710, 9820, 1000, 1200, ва бошқалар.

Тугалланмаган таъмирлаш харажатлари бухгалтерия балансида "Тугалланмаган ишлаб чиқариш" моддасида курсатилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш жараёнида материаллар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар олинishi мумкин. Уларни комиссия аъзолари томонидан баҳоланиб қирим қилинади ва бухгалтерия счѣтларида қуйидагича акс эттирилади Дт 1000, 1200. кт 2300.

Таъмирлаш пудрат усулида амалга оширилганда корхона пудратчи билан шартнома тузади.

Таъмирлаш тугагандан кейин махсус комиссия уни қабул қилишни топшириш актига асосан қабул қилиб олади.

Тугалланиб топширилган таъмирлаш ишларининг қиймати таъмирлаш фонди ҳисобидан қопланади ва бухгалтерия счѣтларида қуйидагича акс эттирилади.

Дт 8900 (келгуси давр харажатлари ва туловлари Кт 6010 (мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар).

Таъмирлаш харажатлари пудрат усулида амалга оширилганда улар тугридан-тугри ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счѣтларда акс эттириш мумкин.

Пудратчи ташкилотларнинг таъмирлаш харажатларини тулаш тугрисидаги счѣтлари 5110 "Ҳисоб-китоб" счѣти ва бошқа счѣтлардан туланиши мумкин ва улар бухгалтерия ҳисоби счѣтларида қуйидагича акс эттирилади. Дт 6010 кт 5110.

Ҳисобот йили тугагандан сунг асосий воситаларнинг таъмирлашнинг ҳақиқий харажатлари суммада ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счѣтларга ёзилиши зарур. Чунки 8900 счѣтнинг субсчѣти буйича қолдиқ қолиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам "Таъмирлаш фонди"нинг суммаси таъмирлашнинг ҳақиқий харажатлари суммасига қорректив қилиниши зарур. Агар таъмирлаш фонди етарли булмаса қушимча ажратма қилиниши мумкин ёки ушбу сумма тугридан-тугри 2300 счѣтнинг кредити буйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олувчи счѣтларнинг дебитида олиб қорилади.

Ноишлаб чиқаришга мулжалланган асосий воситалар таъмирланганда уларнинг харажатлари корхонанинг соф фойдасидан қопланади ва бухгалтерия ҳисоби счѣтларида қуйидагича акс эттирилади. Дт 8700 Кт 1000, 6710, 9820, 6010, 6310 ва бошқалар.

Асосий воситаларни таъмирлашга доир муомалаларни ҳисобга олиш чоғида ҳужжатлар расмийлаштирилишининг тўғрилиги алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Асосий воситаларни таъмирлашга доир муомалаларнинг синтетик ҳисоби мазкур масала буйича корхонада қандай ҳисоб сиёсати қабул қилинганлиги доирасида амалга оширилади. Бу нарса ҳисоб юритишни давом эттириш кетма-кетлигини белгилайди.

Корхоналарда асосий воситаларни таъмирлашга доир харажатлар қуйидагича ҳисобдан ўчирилиши мумкин:

- * харажатларнинг қилиниш меъёрига қараб бевосита маҳсулот (иш,хизмат)лар таннархига;
- * асосий воситаларни таъмирлаш учун яратилган фонд ҳисобидан;
- * харажатларни олдин 3190 - «Бошқа олдиндан тўланган харажатлар» счётига олиб бориб, кейинчалик бир меъёрда таннархга қўшиб бориш.

Агар ҳисоб сиёсати мувофиқ корхонада асосий воситаларни таъмирлаш учун резерв ташкил этиладиган бўлса, унда аудитор резерв учун ажратмалар суммасининг иқтисодий асосланганлигини, асосий воситаларнинг турлари бўйича (бинолар, иншоотлар, қурилмалар ва ҳоказо) ажратмалар миқдори кўзда тутилганлиги ёки ажратмаларнинг ягона нормаси белгиланганлиги, ҳар ойда резерв ҳисоблаш тамоилига риоя қилиниши. Таъмирлаш учун қилинган ҳақиқий харажатлар яратилган резерв ҳисобига ҳисобдан ўчирилади.

Асосий воситаларни таъмирлашга доир муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс этирилиши ишлаб чиқаришга доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари таннархга олиб борилишини, ноишлаб чиқаришга доир асосий воситаларники эса ўз манбалари ҳисобига ҳисобдан ўчирилишини таъминлайди. Шунингдек, таъмирлаш ишлари қайси усул билан (пудрат ёки хўжалик усули) амалга оширилганлиги ҳам синтетик ва аналитик ҳисоб тартибини белгилайди.

Агар ҳисобот даврида лизингга олинган асосий воситалар таъмирланган бўлса, таъмирлаш турини (жорий ёки капитал), лизинг шартномасида капитал таъмирлаш кўзда тутилганлиги ва харажатлар кимнинг ҳисобидан қопланиши белгилаб олинган бўлиши керак.

Корхонада асосий воситаларни жорий таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот (бajarилган иш, кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритади, бу пировардида молиявий натижанинг шаклланишига, шунингдек корхонанинг фойдадан бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ўзаро муносабатларига ҳам таъсир этади.

Бу масала бўйича корхонада аниқ ҳисоб сиёсати қабул қилинган бўлиши аниқлаши лозим. Айрим корхоналар келгуси йил учун ҳисоб сиёсатини қабул қилишда таъмирлаш харажатларини ҳар ойда ҳақиқий харажатлар ҳажмида ҳисобдан ўчирадиган тартибни қўллайдилар. Бошқа корхоналар таъмирлаш фонди яратадилар (таъмирлашнинг барча турлари учун резервга маблағ ажратадилар), ҳақиқатда бajarилган таъмирлаш ишлари учун қилинган харажатларни эса ташкил этилган фонд ҳисобига ҳисобдан ўчирадилар.

Биринчи ҳолатда таъмирлашга доир барча харажатлар таъмирлаш қайси ҳисобот даврида амалга оширилган бўлса, бевосита шу даврдаги ишлаб чиқариш харажатларига қўшилиши лозим; иккинчи ҳолатда корхона балансида тўрган асосий воситаларнинг дастлабки қийматига нисбатан фойз ҳисобида таъмирлаш фондига ажратмалар нормативи ҳисоблаб чиқарилади.

Одатда, ҳисоб юритиш сиёсатининг биринчи вариантини кичик ва ўрта бизнес корхоналари, иккинчисини асосий воситалари мулклар (активлар)нинг салмоқли қисмини ташкил этадиган йирик корхоналар қўллайдилар.

2.2.Капитал таъмирлаш харажатлари синтетик ва аналитик ҳисоби

Асосий воситаларни капитал таъмирлаш хужалик усулида ёки пудрат усулида амалга оширилиши мумкин. Барча ҳолларда таъмирлашни амалга ошириш учун нуқсонлар кайдномаси тузилади. Нуқсонлар кайдномаси бўйича аввал таъмирлашнинг смета қиймати аникланади ва таъмирлаш жараёни тугатилгандан сунг эса унинг ҳақиқий қиймати аникланади ва смета қийматидан четга чиқиш аникланади.

Агар капитал таъмирлаш хужалик усулида амалга оширилса нуқсонлар кайдномасига асосан 3 нусхада наряд буюртма тузилади. Унинг 1-нусхаси таъмирлашни амалга оширувчи булинмага, 2-си бухгалтерияга аналитик ҳисобни юритиш учун, 3-нусхаси эса бош инжинерда таъмирлашнинг боришини назорат қилиш учун сақланади.

Нуксонлар кайдномасига ва наряд буюртмаларига асосан омборлардан материал ва эҳтиёт қисмлар олиш учун ҳужжатлар ёзилади.

Таъмирлаш харажатларини тугридан тугри маҳсулотлар иш ва хизматларнинг таннархига олиб бориш мумкин ёки уларни коплаш учун олдиндан килинган ажратма ҳисобга ташкил килинган таъмирлаш фондидан коплаш мумкин.

Таъмирлаш харажатлари тугридан тугри маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар дебетланиб тегишли счётлар кредитланади. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларда тегишли харажат моддаларида акс эттирилади.

Таъмирлаш фондини тузган корхоналарда уларни ҳисобга олиш учун 8900 "Келгуси давр харажатлари ва резервлар" счётига алоҳида "Таъмирлаш фонди" субсчёти очилади.

Таъмирлаш фондига ажратмалар килиш таъмирлашнинг барча турлари буйича режадаги смета харажатларига асосан килинади. Таъмирлаш фондига килинган ажратмалар бухгалтерия ҳисоби счётларида куйидагича акс эттирилади.

Дт 2000,2300 ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (ишлаб чиқаришда бевосита катнашган асосий воситалар)

Кт 8900 "Келгуси давр харажатлари ва туловлари" счётининг тегишли субсчёти.

Таъмирлаш фонди ташкил килинган корхоналарда таъмирлаш ишлари ҳужалик усулида амалга оширилган ҳолда таъмирлаш харажатларини 2300 счётда ҳисобга олишлари зарур. Ушбу счётнинг дебитида ҳақиқатда амалга оширилган таъмирлаш харажатлари ҳисобга олинса, унинг кредитида эса таъмирлаш ишларининг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқаришда 2300 счётнинг дебитидаги қолдиқ тугалланмаган таъмирлаш харажатларининг микдорини курсатади.

Бу ерда таъмирлаш харажатлари килинганда улар бухгалтерия ҳисоби счётларида куйидагича акс эттирилади: Дт 2300 Кт 6710, 9820, 1000, 1200, ва бошқалар.

Тугалланмаган таъмирлаш харажатлари бухгалтерия балансида "Тугалланмаган ишлаб чиқариш" моддасида курсатилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш жараёнида материаллар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар олинishi мумкин. Уларни комиссия аъзолари томонидан баҳоланиб қирим килинади ва бухгалтерия счётларида куйидагича акс эттирилади Дт 1000, 1200. кт 2300.

Капитал таъмирлаш пудрат усулида амалга оширилганда корхона пудратчи билан шартнома тузади.

Таъмирлаш тугагандан кейин махсус комиссия уни қабул қилишни топшириш актига асосан қабул қилиб олади.

Тугалланиб топширилган таъмирлаш ишларининг қиймати таъмирлаш фонди ҳисобидан копланади ва бухгалтерия счётларида куйидагича акс эттирилади.

Дт 8900 (келгуси давр харажатлари ва туловлари Кт 6010 (мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар).

Таъмирлаш харажатлари пудрат усулида амалга оширилганда улар тугридан-тугри ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларда акс эттириш мумкин.

Пудратчи ташкилотларнинг таъмирлаш харажатларини тулаш тугрисидаги счётлари 5110 "Ҳисоб-китоб" счёти ва бошқа счётлардан туланиши мумкин ва улар бухгалтерия ҳисоби счётларида куйидагича акс эттирилади. Дт 6010 кт 5110.

Ҳисобот йили тугагандан сунг асосий воситаларнинг таъмирлашнинг ҳақиқий харажатлари суммада ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларга ёзилиши зарур. Чунки 8900 счётнинг субсчёти буйича қолдиқ қолиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам "Таъмирлаш фонди"нинг суммаси таъмирлашнинг ҳақиқий харажатлари суммасига қорректив қилиниши зарур. Агар таъмирлаш фонди етарли булмаса қушимча ажратма қилиниши мумкин ёки ушбу сумма тугридан-тугри 2300 счётнинг кредити буйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида олиб қорилади.

Ноишлаб чиқаришга мулжалланган асосий воситалар таъмирланганда уларнинг харажатлари корхонанинг соф фойдасидан копланеди ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобларида қуйидагича акс эттирилади. Дт8700 Кт 1000,6710,9820,6010,6310 ва бошқалар.

Корхоналар ҳисобот даврида асосий воситалар объектларини замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш учун ҳам харажатлар қилиши мумкин. Бу ҳолда қилинган харажатлар 0890 - «Бошқа капитал сарфлар» счётида ҳисобга олинади, таъмирлаш ишлари яқунланганидан сўнг асосий воситалар дастлабки қиймати ошганлиги 0100 Асосий воситалар счётига ўтказилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва таъмирлаш бўйича корхонада қандай ҳисоб юритиш сиёсати қабул қилинганлиги 8910 «Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви» счётининг юритилиши тартибини белгилайди. 8910 счётида алоҳида «Таъмирлаш фонди» деган субсчёт ажратилган бўлади, ушбу фондга қилинган ажратмаларнинг ҳажми асосланганлиги (иқтисодий ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган) бўлиши лозим. Ажратмалар ҳажми асосий воситалар турлари бўйича табақаланган ёки ажратмаларнинг ягона нормаси ўрнатилган бўлиши мумкин. Лекин ягона нормативни қўллаш, иқтисодий нуқтаи назардан, таннархнинг асосиз кўтарилиши ва солиққа тортиладиган базанинг пасайишига олиб келиши ва солиқ органлари билан муносабатлани мураккаблаштириши мумкин.

Асосий воситалар (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, машиналар ва қўрилмалар)нинг хизмат қилиш муддатлари хилма-хил, шунинг учун амортизация ажратмаларининг ягона нормаларини қўллаш унчалик тўғри эмас. Бошқа томондан, машина ва қўрилмаларни ҳар хил иш сменаларида, алоҳида технологик муҳит ва шунга ўхшаш юқори даражада эскиришга олиб келадиган шароитда ишлатиш ҳам таъмирлаш фондига қилинадиган ажратмаларни тезлаштиришни такозо этади. Пудрат шартномаси бўйича ҳисобланган суммалар, ижтимоий суғурта фонди (И.С.Ф.) га ажратмалар ва транспорт солигидан ташқари, меҳнат ҳақи сарфлари (бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар билан биргаликда) каби харажатларга қўшилади. .

Пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари ҳисобининг хусусиятлари. Бу ҳолда таъмирлаш ишлари тузилган шартномалар асосида пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилади, бунда 6010«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётига» счётида акс эттириладиган, корхонанинг таъмирлаш ташкилотлари билан ҳисоб-китоблари ҳисоб объектлари бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, таъмирлаш ишлари тадбиркор жисмоний шахслар ёки тадбиркор бўлмаганлар билан тузилган пудрат шартномаларига асосан ҳам бажарилиши мумкин. Сарфларни ишлаб чиқариш харажатларига қўшиш фақат таъмирлаш ишларини бажариш сметаси шартнома билан кўзда тутилган ҳолатдагина мумкин. Агар бундай бўлмаганда, жисмоний шахслар билан тузилган пудрат шартномалари бўйича бажарилган ишлар учун қилинган харажатлар корхонанинг соф фойдаси ҳисобига ҳисобдан ўчирилиши лозим. Жисмоний шахслардан бюджетга даромад солиғи ушланиши ва ўтказиб берилиши лозим.

Хўжалик усулида бажарилган таъмирлаш ишлари ҳисобининг хусусиятлари. Аввал таъкидлаб ўтилганидек, таъмирлаш фонди ташкил этмайдиган кўпчилик корхоналар барча қилган харажатларини уларнинг қилиниш меъёрига қараб маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларига қўшади. Катта ва ўрта корхоналарда махсус таъмирлаш хизматлари (цеҳлар, участкалар) бўлиши мумкин. Бундай бўлинмаларнинг харажатлари амалда таъмирлаш турлари: жорий, ўрта, капитал таъмирлаш бўйича 2310«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётининг «Таъмирлаш устахонаси» субсчётида олдиндан йиғилиб таъмирлаш ишлари тугалланганидан кейин корхонада қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсатига кўра 2310-счёт кредитидан ишлаб чиқариш счёти (2010,2510,)нинг дебетига ёки таъмирлаш фонди (8910-счёт «Таъмирлаш фонди» субсчёти) ҳисобига ҳисобдан ўчирилади. Капитал ва ўрта таъмирлаш учун сметалар тузилган бўлиши лозим.

Ҳисоб юритиш хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш тартибига таянади. Дастлабки ҳужжатлар (материалларни олиш учун талабнома ва бошқалар)да

харажатларнинг йўналиши, яъни таъмирлаш ишлари кўрсатилиши лозим. Одатда корхона маъмуриятига нуқсон (дефект)лар ведомостига асосан тузиладиган, чоракларга бўлинган, таъмирлаш ишларини ўтказишнинг 1 йиллик режасини тузишни тавсия қилиниши мумкин. Бу тадбирлар ўз навбатида корхоналарга таъмирлаш мақсадида маблағлардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга имкон яратади.

3-боб. Мавзуни ўқитиш методикаси

3.1. Муаммоли маъруза усулида ўқитиш технологияси хусусиятлари

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда кўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадilar. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини кўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладilar. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий маъзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- “ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга роя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

ВАЗИФАСИ. “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (синф) янада жипслашади.

ОБЪЕКТИ. қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

ЎЎЛЛАНИШ УСУЛИ. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

Бухгалтерия ҳисоби фани бўйича машғулотларда талабаларнинг назарий жиҳатдан олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда асос бўлувчи омил бўлиб, унинг ўқув жараёнидаги роли, айниқса салмоқлидир. Ўқитувчи олдиндан ҳар бир дарсни (мавзуни) қандай кўринишда муваффақиятли яқунлаши лозимлигини аниқлаб олиши лозим ва бунда у қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқдир:

а) Дарсда ўзлаштирилиши лозим бўлган мавзу ёки муаммони ўрганиш чегаралари қай даражада бўлиши мақсадга мувофиқ.

б) Бу муаммо ёки мавзуни қайси даражада(гача) ва қанчалик батафсил ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин?

в) Талабалар билиши зарур деб топилган асосий далил, қоида, концепция ёки тамойиллар тўплами мавжудми? Агар улар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса, булар қандай асосий далил, қоидалар, концепция ёки принциплар?

г) Талабалар мавзуга ёки ўрганилаётган муаммога оид қўшимча материал, китоб, даврий нашр ёки маъруза матнларини қаердан ва қандай қилиб топа оладилар? Ўқитувчи бу борада амалий ёрдам бера оладими ва қандай қилиб?

д) Мавзуга ёки ўрганилаётган масалага оид ҳозиргача ечимини топа олмаган муаммолар ҳам мавжудми? Агар бўлса, булар қандай турдаги ва кўринишдаги муаммолар? Уларни ҳал қилишнинг қандай асосий усуллари (йўллари) мавжуд?

Ўқитувчининг мавзу билан боғлиқ маълум бир турдаги саволларни ёки уларнинг бири-бири билан боғлиқ бўлган мажмуасини йўналтирилган ва мақсадга мувофиқ ҳолда бера олиши ҳам талабаларда танқидий мушоҳада билан боғлиқ қобилиятни ривожлантиш ёки акс натижа берувчи муҳим амалий–услубий воситалардан биридир. Агарда берилган саволлар ўқувчи (талаба)ларнинг фикрлаш жараёнини бир қадар чеклаб қўйса ва улар учун фақат ўқилган (тингланган) материални оддийгина тарзда қайтаришни талаб қилса, ушбу ҳол ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини анча суст ҳолатга олиб келади ва уларнинг фикри ҳеч кимга керак эмас, деган маънони билдиради. Ўйлашга, эркин фикрлашга, ҳар томонлама таҳлил қилишга ва яратувчиликка қаратилган саволлар эса фикрлаш кўламини, даражасини ва самарасини оширади. Бундай тадбирлар ўқувчиларни улар билан ҳисоблашишлари лозимлигини ва уларнинг фикри ҳам қандайдир бир ўйиматга эга эканлигига ишонтиради. Бу борада «Саволлар қандай кўринишда бўлиши мақсадга мувофиқ?» – деган муаммо юзага келади. Бунга бир қадар қониўарли жавоб топишга уриниб кўрамиз. Талабаларга ўрганилаётган мавзу ёки муаммо билан узвий боғлиқ бўлган саволлар тўпламини берганда қуйидаги мезонларга алоҳида аҳамият бериш яхши натижаларга олиб келиши мумкин:

- Бериладиган савол ўтилган ёки ўтилаётган мавзу билан боғлиқ, аниқ, лўнда ва қисқа бўлиши керак;
- Талабаларга берилган битта савол билан мавзуга боғлиқ бўлган фақат биргина нарсани (фактни, қоидани, ҳолатни ва ҳоказоларни) сўраш зарур;
- Савол ўрганилаётган соҳа, мавзу ёки муаммонинг бирор бир жихати билан билан боғлиқ бўлиши лозим, чунки талабалардан улар хали яхши ўрганмаган мавзу бўйича назарий саволларни сўраш ва унга қайсарлик билан жавоб олишга уриниш яхши натижаларга олиб келмайди ва уларни мавзунинг ўрганишдан чўчитади;
- Ўқитувчи саволлар тузаётганида мавзу билан боғлиқ ҳар бир саволга бир қанча жавоблар бериш мумкинлигига эътибор бериши мақсадга мувофиқдир;
- Бериладиган муаммоли саволнинг маъноси ўқувчи (талаба)ларга тўла тушунарли бўлиши керак. Акс ҳолда, савол бериш жараёнини бошлашдан олдин бу ҳақда уларга бошланғич тушунчалар бериб ўтиш лозим бўлади;
- Мавзуда таҳлил қилиб ўтилган аниқ нарса, далил, воқеа-ҳодиса, қоида ёки предметлардан умумийларига қараб боринг. Фақат шу ҳолда ҳаракат қилингандагина ўқувчи (талаба)ларга фикрлаш, тушуниш, ўйлаш ва жавоб бериш осон бўлади;
- «Ҳа» ёки «Йўқ» шаклидаги ва «Тўғри» ёки «Нотўғри» кўринишидаги жавоблар берилиши мумкин бўлган ёпиқ турга мансуб саволларни иложи борида камроқ беринг;
- Ўқувчи (талаба)лар жавоб бера олмайдиган ва мавзу билан боғлиқ бўлмаган турдаги саволларни зинҳор берманг;
- Ўқувчи/талабаларга ўзларининг ҳаётий тажрибаларига, кўрган ва ўрганган нарсаларига, ҳамда келажакда улар дуч келиши мумкин бўлган ҳаётий вазиятларга таянган ҳолда жавоб қидириладиган саволлар беришга интилинг;
- Мавзу билан узвий боғлиқ равишда ва ундан келиб чиққан ҳолда ўз нуўтаи–назарларини бошқаларга ётиёи билан ва атрофлича тушунтиришга ундайдиган саволлар беришга ҳаракат қилинг;
- Ўқувчи (талаба)лар саволларга жавоб бераётганларида, иложи бўлса, баъзан «Нега бундай деб ўйлайсиз?» – туркумига мансуб қўшимча саволлар ҳам бериш яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

Агарда талабалар (ўқувчилар)га ўрганилаётган мавзу ёки муаммо билан боғлиқ бўлган саволлар бериш жараёнида қуйидагиларга алоҳида диққат–эътибор қаратилса, шак–шубҳасиз ижобий натижаларга эришиш ва талабаларнинг фаоллигини сезиларли даражада ошириш мумкин бўлади:

- Тегишли савол ёки саволлар мажмуаси берилгандан сўнг (бу иш оёзаки ёки ёзма равишда ташкил этилиши мумкин) ўқитувчи талабалар (ўқувчилар)га бу ҳақда ўйлаш учун бир неча даўиёи вақт берилишини ташкил қилса, улар бу қисқа муддатда берилган саволнинг мағзини чақиб, чуқур тушунишга ҳамда асл моҳиятига етишга ҳаракат қиладилар ва жавоблари ҳам тўлиқ бўлиши табиий. Талабаларнинг тўғри жавобларига алоҳида урғу бериш ва рағбатлантириш уларни бундан кейин ҳам фаол бўлишга ундайди.
- Ўқувчи (талаба) ларга берилган саволлар билан боғлиқ ва мумкин бўлган муқобил жавобларни ёзиш топшириёи берилади. Бу эса саволга бир неча кўринишда жавоб топиш, солиштириш, ақл тарозусидан ўтказиш ва фикрларини жамлаш имкониятини беради. Бунинг пировард натижасида берилган саволларга жавобларнинг яхши ўйланган, асосли ва мантиқли бўлишига эришилади.
- Баъзи пайтларда ўртага ташланган саволларга жавоб бериш учун кўнгилли бўлиб ўз ихтиёри билан отилиб чиққанларга иложи борича жавоб бериш таклиф этилмаслиги мақсадга мувофиқ, чунки улар мавзуни, муаммони ёки соҳани кўпроқ билганликлари учун мунозарада етакчи ўринни эгаллашга ҳаракат қиладилар. Бу эса баъзи тортинчоқ ва уятчан талабалар (ўқувчилар)га жавоб бериш ва мунозарада иштирок этиш учун етарли даражада имконият қолдирмайди. Жавоб бергиси келаётган, аммо бунинг учун тортинчоқлиги ва уятчанлиги имконият бермаётган талабаларга кўпинча жавоб бериш тажрибаси етишмайди, шунинг учун ҳам уларга кўпроқ эътибор бериш лозим бўлади. Чунки «Улар кўрқоқ эмаслар, фақатгина кўрқадилар холос». Кўнгилли бўлиб чиққанлардан улар осонликча жавоб бериши мумкин бўлган саволларга жавоб олишни режалаштирманг. Бошқа тортинчоўроқ талабалардан эса улар жавоб бериши мумкин бўлган саволларгагина жавоб беришларига ҳаракат қилинг. Талабаларнинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда савол бериш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиш керакки, тортинчоқ, камтар ва уятчан талаба (ўқувчи) лар жавоб беришга ўйналиб, бошқалар олдида эсанкираб ва довдираб қолмасинлар. Шундай хол юз берса, бундай талабалар қаттиқ руҳий изтиробга тушиб, билганларини ҳам тамоман ёддан чиқарадилар.
- Мавзу ёки ўрганилаётган муаммо билан боғлиқ бўлган саволни бир қадар ўзгартириб, қайтадан бериш усули мунозаранинг фаоллашуви учун яхши ёрдам беради ва вақтни тежайди. Бунда ўқитувчи саволни шундай қилиб тузиши лозим бўладики, унга бирдан ортиё хилдаги жавоблар бериш мумкин бўлсин. Талабалар жавобларидан келиб чиққан ҳолда, у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа саволлар ҳам берилиши, мавзуни ўрганиш жараёнини янада чуқурлаштиришга олиб келади. Шундай қилиб, гуруҳдаги (синфдаги) ҳамма талаба (ўқувчи)лар қизиқарли ва фаол мунозарага жалб қилиниши мумкин.
- Юқори (олий) даражадаги (яъни, чуқур, атрофлича, ижодий ва Ёоявий) фикрлаш жараёнини бойитадиган саволлар бериш талабаларнинг мунозарага кўпроқ ва кенг кўламда жалб қилинишига, қизиқишларининг ортишига олиб келади. Бу шароитларда улар мунозара жараёнига берилиб ва рақобат муҳитини яратган ҳолда фаол қатнашадилар. Бунда аксарият саволлар туркуми талабаларни фикрлашга, ўйлашга, таҳлил қилишга, оддийдан мураккабга боришга, баҳолашга ва хулоса чиқамизришга мажбур қилиши лозим бўлади. Ўқитувчи бундай турдаги муаммоли саволларни тез–тез бериб туришга ҳаракат қилиши керак, чунки бу ишни амалга ошириш талабаларнинг танқидий мушоҳада қобилиятларини яна ҳам ва сезиларли даражада оширишга олиб келади.
- Талабаларнинг турли мавзу ва йўналишларда саволлар бериш қобилиятини ва бу борадаги малакасини ошириш мақсадида уларнинг бу йўналишда бевосита машў қилиш

жараёнини амалга ошириш келажакда улар билан ушбу йўналишда ишлашни анча осонлаштиради ва дарсни ҳам жуда қизиқарли ўтилишини таъминлайди. Ўқитувчи талабалар (ўқувчилар)га аниқ мисол ва масалалар билан боғлиқ саволлар бериб, уларни иложи борича кўпроқ машў қилдириши керак. Бу саволлар, мисол ва масалалар атроф–муҳитдаги реал амалий ҳаёт билан ва талабалар (ўқувчилар)нинг кундалик фаолияти билан узвий боёланган ҳолда бўлса, яна ҳам катта самарага эришиш табиий. Булар, масалан, ўқувчини аниқ саволга тегишли жавоб топиш жараёнини таҳлил қилишга ундайдиган ёки жавобнинг моҳиятини ҳар томонлама ўйлашга йўллайдиган кўшимча саволлар туркуми кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

Агарда талаба (ўқувчи)лар мавзу билан боғлиқ саволларга нотўғри жавоб берган таўдирларида ҳам ўқитувчи жаҳл қилмаслиги, баён этаётган фикридан адашмаслиги, руҳияти ва кайфияти бузилмаслиги керак. Бундай шароитларда у кўйидаги кўрсатма ва маслаҳатларни дастури–амал қилиб олса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- Талаба томонидан берилган жавобнинг тўғри томонини бўрттириб кўрсатган ҳолда, ўқувчи (талаба)да ўз кучига қатъий ишонч уйғотиш лозим. Кейин эса тўғри жавоб топиш учун нимадан фойдаланиш ва яна нималар қилиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар бериш, шунга мос жавобни топа олиш учун йўлланма бериш зарур. Жавобнинг тўғри қисмидан амалий равишда фойдаланган ҳолда, унинг нотўғри жиҳатларини тузатиш йўллари кўрсатиш жуда фойдалидир.
- Берилган саволни бошқа сўзлар билан тушунарли тарзда ифодаланг ёки уни бошқача усулда беринг. Бу эса ўз навбатида ўқувчи (талаба)га тўғри жавоб топиш учун яна бир реал имконият ҳосил қилади ва у ўз фаоллигини йўқотмайди, ўз кучига, билимига ва имкониятларига яна ҳам кўпроқ ишона бошлайди. Демак, ундаги ички маънавий кучлар ривожланиб, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш учун керакли маънавий–маърифий озуға олади.
- Ўқувчи (талаба)га жавоб топиш жараёни билан боғлиқ бўлган маслаҳатлар ёки кўрсатмалар бериш орқали уни ижодий фикрлашга, ҳар тарафлама ўйлашга ва мулоҳаза юритишга унданг. Бу усулда ўйлаш жараёнида унинг онги фаоллашиб, билимлари чуқурлашади, хилма–хил далил ва қоидаларни ўзича ўйлаб топади.
- Ўқувчи (талаба)нинг берилган саволга жавобининг моҳиятини тушунтиринг ва ётиёи билан ҳамда атрофлича жавобнинг қайси қисми тўғри ҳамда қайси қисми нотўғрилигини билдириг. Сўнгра тўғри жавоб топишга ҳаракат қилишни яна бир қарра таклиф қилиг.
- Агар ўқувчи саволни тушунмаган бўлса, мавзу бўйича берилган саволни ўзгартиришга ёки соддалаштиришга эришингки, токи ўқувчи (талаба) унга иложи борича осонлик билан жавоб бера олсин. Еки саволни бир қанча майда саволчаларга бўлингки, талабанинг тўғри жавоблар беришига имконият яратилсин. Бу жараён албатта ўқитувчидан анчагина маҳорат, сабр, билим ва маданият талаб қилиши табиийдир.
- Агар талаба саволга нотўғри жавоб бераётганлигини сезиб қолсангиз, ушбу саволга тўғри ва батафсил жавоб бериш учун бошқа ўқувчи (талаба)лардан ёрдам сўранг. Лекин бунда жавоб бераётган талабанинг иззат–нафсига тегиб кетишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

- Агар ўқувчи (талаба) мавзу бўйича саволга нотўғри жавоб бераётган бўлса, ундан маданиятли муомала қоидаларига риоя қилган ҳолда, эҳтиёткорлик билан «Сиз нега бундай деб ўйлайсиз?» – деб сўраш ҳам мумкин. Бу ҳолда ўқувчи ўзининг нотўғри жавобидан ноқулай ҳолатга тушиб қолмайди ва кўпинча фикрлаш жараёнида ўзининг жавобидаги мантикий хатосини топиб олиши ҳам мумкин. Бу эса унга берилган саволга тўғри жавоб топишга амалий ёрдам бериши табиий.

3.2. Маъруза машғулоти методикаси.

Вақт тақсимоти:

1-босқич: тайёрлов – 5 мин.

- 2-босқич: даъват (чақирув) – 15 мин.
 3-босқич: англаш – 37 мин.
 4-босқич: мулохаза (фикрлаш) – 20 мин.
 5-босқич: уйга вазифа – 3 мин.

Ўқув материаллари:	Дарснинг аниқлаштирилган мақсади:
<ul style="list-style-type: none"> • Илгор педагогик технологиялар • Дарсликлар • Таркатма материаллар • Ёпишқоқ лента • Дафтар, ручка, қоғозлар • Плакатлар 	Бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг талабалар: <ol style="list-style-type: none"> 1. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг ҳисобининг вазифалари 2. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг синтетик ҳисобъ, 3. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг аналитик ҳисоби аудити тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўладилар

Таянч сўз ва иборалар.

Бошлангич киймат, қайта тикланган киймат, қолдиқ киймат, таъмирлаш ишларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси, инвентар карточкалар, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси, капитал қуйилмалар, ҳисоб регистрлари, инвентаризация, камомад ва ортикчалиқни бухгалтерия ҳисобида ақс эттириш, асосий воситаларни ҳисоботларда ақс эттириш тартиби.

Дарснинг бориши

Машғулот босқичлари	Педагог	Талаба	Назорат
Даъват <small>(қўллаш)</small>	Саволлар беради:	Жавоб беради:	<small>жавоблар баҳолаши</small>
	1. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари.	Асосий воситаларни таъмирлаш уларнинг фойдали хусусиятларини қувватлаб туриш билан боғлиқ эканлигини тукшунтиради.	

	2.Асосий воситаларни тамирлаш харажатларининг аналитик ҳисоби.	Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари объектлар ва бўлинмалар бўйича алоҳида ташкил этилиши лозим.	
	3.Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари капиталлаштириладиган ҳоллар.	Асосий воситалар қувватининг ёки хизмат муддатларининг ортиши	
Англаш	<p>Тингловчиларга маърузалар матни тарқатилади ва уни гуруҳларда инсерт стратегиясидан фойдаланиб ўрганишни тавсия этади.</p> <p>«Инсерт» жадвалини тўлдириш мазмуни тушунтирилади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • менинг фикрларимни тасдиқлайди; • янги ахборот менинг билганимга зид; • янги маълумотлар билишни хоҳлайман. 	<p>Тингловчилар гуруҳларда матн билан танишади, қалам билан унинг ҳошияларига белгилайдилар ва куйидаги жадвални тўлдирадилар.</p> <p>Инсерт жадвалини тўлдириш бўйича тажриба матнини ўқиш вақтида олинган билимлар билан ўртоқлашишади.</p> <p>Матн билан ишлашда нима ноаниқ бўлгани ва ўйлантириб қўйгани ҳақида ўз фикрларини айтади.</p>	Жавоблар баҳоланади
Фикрлаш	<p>-5 минут. Мустақил иш бажарилади</p> <p>-талабалар эътиборига плакатлар намойиш этилади, кластер тузилади.</p> <p>Ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига улар тузган кластер бўйича яқун ясалади, рағбатлантирилади</p>	<p>Талабалар саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Дафтарларига плакатдан олинган маълумотларни ёзиб оладилар.Савол бўйича “Кластер” тузадилар</p>	Жавоблар баҳоланади
Уйга вазифа	<p>1. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби мавзусини ўқиш топширилади.</p> <p>2. Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби бўйича ўрганиб келиш топширилади</p>	Берилган топшириқларини бажарадилар.	

3.3. Амалий машғулот методикаси.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

« Асосий воситалар таъмирлаш харажатлари ҳисоби » тушунчасига оид синквейн тузишни мисол тариқасида кўриб чиқамиз.

СИНКВЕЙН

Асосий воситаларни таъмирлаш

-

от (Ким? Нима?)

Ишлаб чиқаришдаги ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситани таъмирлаш - сифат (Қандай? Қанақа?)


Ишлаб чиқаришга бевосита шароит яратиб беради - феъл (нима қилади?)

Кўзга кўриниб,қўл билан ушлаб бўладиган моддий воситалар - тасаввур (онгда қандай тасаввур уйғотади)

Бино ва иншоот

От (Ким? Нима?)

Мавзуга оид феъллар танлаш бўйича намунавий КЛАСТЕР



1. Билишга оид саволлар.

- А). Бошлангич киймат
- В). қайта тикланган киймат
- С). колдик киймат

2. Тушуниш (маъносини англаш)ни кўрсатувчи саволлар.

- А). асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси

- В). инвентар карточкалар
- С). асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси

3. Қўллаш (амалий аҳамият)га оид саволлар.

- А) асосий воситаларнинг корхонага келиши
- В). асосий воситаларнинг корхонадан чиқиб кетиши
- С). капитал куйилмалар

4. Таҳлил қилишга оид саволлар.

- А). инвентаризация
- В). камомад ва ортиқчаликни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш
- С). асосий воситаларни ҳисоботларда акс эттириш тартиби

5. Синтезга оид саволлар.

- А). Асосий воситаларнинг баҳоланиши
- В). Жорий таъмирлаш
- С). Капитал таъмирлаш

“Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби ва аудити” мавзуси бўйича слайд материаллари

Асосий воситаларни ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари куйидагилардан иборат:

- асосий воситаларнинг киримини, корхонадаги ҳаракати ва ҳисобдан чиқариш уз вақтида тегишли ҳужжатларга асосан расмийлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- - асосий воситаларнинг эскиришини тугри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш;
- - асосий воситалар жунатилганда молиявий натижалар тугрисида аник маълумотлар олишни таъминлаш;
- - солиқ туловларни ҳисоблаш учун зарур булган маълумотларни аник ҳисоблаш имконини таъминлаш;
- - асосий воситаларни таъмирлаш ҳаражатлари ва улардан самарали фойдаланишни назорат килиш;
- - асосий воситалар нақдлиги ва уларнинг ҳаракати тугрисидаги статистик ва бухгалтерия ҳисобларида талаб килинган маълумотларни бериш имкониятини яратиш ва х.к..

Корхоналарнинг асосий воситалари турлари буйича куйидагича гурухланади:

- бинолар ва иншоотлар;
- узатувчи мосламалар;
- машина ва асбоб-ускуналар;
- транспорт воситалари;
- асбоб ускуналар;
- ишлаб чиқариш инвентарлари ва буюмлар;
- хужалик инвентарлари;
- иш ва маҳсулдор хайвонлар;
- куп йиллик дарахтлар;
- ерларни яхшилашга сарфланган капитал сарфлар ва бошқа асосий воситалар.

аникланади ва таъмирлаш жараёни тугатилгандан сунг эса унинг хакикий киймати аникланади ва смета кийматидан четга чикиш аникланади.

Агар капитал таъмирлаш хужалик усулида амалга оширилса нуксонлар кайдномасига асосан 3 нусхада наряд буюртма тузилади. Унинг 1-нусхаси таъмирлашни амалга оширувчи булинмага, 2-си бухгалтерияга аналитик ҳисобни юритиш учун, 3-нусхаси эса бош инженерда таъмирлашнинг боришини назорат қилиш учун сақланади. Нуксонлар кайдномасига ва наряд буюртмаларига асосан оморлардан материал ва эҳтиёт қисмлар олиш учун хужжатлар ёзилади.

Таъмирлаш харажатларини тугридан тугри маҳсулотлар иш ва хизматларнинг таннархига олиб бориш мумкин ёки уларни қоплаш учун олдиндан қилинган ажратма ҳисобга ташкил қилинган таъмирлаш фондидан қоплаш мумкин.

Таъмирлаш харажатлари тугридан тугри маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларига олиб қилинганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар дебетланиб тегишли счётлар кредитланади. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларда тегишли харажат моддаларида акс эттирилади.

Таъмирлаш фондини тузган корхоналарда уларни ҳисобга олиш учун 8900 "Келгуси давр харажатлари ва резервлар" счётига алоҳида "Таъмирлаш фонди" субсчёти очилади.

Таъмирлаш фондига ажратмалар қилиш таъмирлашнинг барча турлари буйича режадаги смета харажатларига асосан қилинади. Таъмирлаш фондига қилинган ажратмалар бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттирилади.

Дт 2000,2300 ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (ишлаб чиқаришда бевосита қатнашган асосий воситалар)

Ўқитувчининг мавзу билан боғлиқ маълум бир турдаги саволларни ёки уларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган мажмуасини йўналтирилган ва мақсадга мувофиқ ҳолда бера олиши ҳам талабаларда танқидий мушоҳада билан боғлиқ қобилиятни ривожлантиш ёки акс натижа берувчи муҳим амалий–услубий воситалардан биридир. Агарда берилган саволлар ўқувчи (талаба)ларнинг фикрлаш жараёнини бир қадар чеклаб қўйса ва улар учун фақат ўқилган (тингланган) материални оддийгина тарзда қайтаришни талаб қилса, ушбу ҳол ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини анча суст ҳолатга олиб келади ва уларнинг фикри ҳеч қимга керак эмас, деган маънони билдиради. Ўйлашга, эркин фикрлашга, ҳар томонлама таҳлил қилишга ва яратувчиликка қаратилган саволлар эса фикрлаш қўламини, даражасини ва самарасини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1993 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т. Адолат. 2008 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат. 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонуни. Тошкент, 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" ги Қонуни. 2000 йил 26 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қароқўлларини тўғрисида»ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори: "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида" Низом. 1999 йил 5 феврал.
10. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва

- 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
 12. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
 13. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
 14. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
 15. Андерсон Г., Нидлз Б., Кодвелл Д. Принципў бухгалтерского учета. Москва. “Финансы и статистика” 1993.
 16. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит: Пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 1995.
 17. Воҳидов С., Воҳидов Т. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби. Т.:ТДИУ, 2000.
 18. Гадоев Э.Ф., Югай Л. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи., 1996.
 19. Жураев Н. Яроқсиз маҳсулотлар ва йўқотишлар ҳисоби ва назорати. Иқтисод ва ҳисобот. №10-12.1995.
 20. Жураев Н. Учет и контроль издержек процесса реализации. Сельское хозяйства Узбекистана. №2. 1996.
 21. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ нашриёти. 2004 й..
 22. Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: Ўзбекистон, 1993,
 23. Ower L.I., Bown I.L. Waldoh's Cost Accounting Maghonid Evans. London, 1970
 24. Moriarty Sh., Allen C.P. Cost Accounting - Cambridge etc. Harper and Row. 1984.
 25. <http://www.mf.uz/>
 26. <http://www.gov.uz/uzbekistan/transportation/>
 27. http://www.gov_stat.uz
 28. <http://www.referat.ru/economy/management/>

2.1. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг таҳлили.

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари асосий воситаларни таҳлил қилиниши доирасида ва унинг таркибий қисми сифатида амлга оширилади.

Таҳлил учун зарур булган маълумотлар 3-шакл «Асосий воситлар харакати туёрисидаги» ҳисобот шаклидан олинади.

Асосий воситалар таркибининг таҳлили

Асосий воситалар	Жами	Шу жумладан					
		Бино	Иншоот	Узатиш мосламалари	Машина-ва ускуналар	Транспорт воситалари	Бошқа асосий фондлар
1	2	3	4	5	6	7	8
Ишлаб чиқариш асосий воситалари							
Утган йил							
-суммаси, м.с.	26720	2434	136	657	21680	1265	548
-салмоғи %	100	9,1	0,5	2,5	81,1	4,7	2,1
ҳисобот йили							
-суммаси, м.с.	34150	2560	136	569	28900	1345	540
-салмоғи, %	100	7,5	0,4	1,7	84,6	3,9	1,9
Фарқи							

-сумма, м.с.	+7430	+126	0	-88	+7220	+80	-8
-салмок, %	x	-1,6	-0,1	-0,8	+3,5	-0,8	-0,2
Ноишлаб чикариш асосий воситалари							
Суммаси, м.с.							
Утган йил	2450	1260	-	-	-	-	1190
хисобот йили	2450	1260	-	-	-	-	1190
фарки	-	-	-	-	-	-	-

Корхонада асосий воситаларнинг утган йилга нисбатан узгариши +7430 м.с. ни ташкил этган. Шу жумладан бинолар буйича +126 м.с., машина ва ускуналар буйича +7220 м.с. транспорт воситалари буйича 80 м.с. даражасида усишга эришилган.

Жами асосий фондлар таркибида асосий улушни машина ва ускуналар ҳамда, транспорт воситалари ташкил этган. Жорий даврда машина ва ускуналар салмогини 3,5 % га оширишга муваффақ булинган.

Ноишлаб чикариш асосий воситалари 2450 м.с. ташкил этган холда жорий даврда узгариш булмаган.

Асоосий воситаларнинг динамикаси деганда уларнинг йиллар буйича узгаришлари тушунилади.

Динамик узгаришлар асосида корхонада асосий воситаларнинг йиллар буйича мутлак ва нисбий узгаришларига баҳо берилади.

Куйидаги маълумотлар асосида асосий воситаларнинг динамик узгаришларига баҳо бериш мумкин.

Асосий воситаларнинг динамикасини тахлили

Курсаткичлар	Йиллар				
	1995	1996	1997	1998	1999
Асосий воситалар киймати	125469	128941	154200	165100	245500
Бизис йилига нисбатан усиши	*	102,7	122,8	131,5	195,6

Олдинги йилга нисбатан	*	102,7	119,5	107,0	148,6
ушиши					

Корхона асосий воситаларнинг динамик узгариши куйидагича булган. Жорий давр охирига келиб асосий воситаларнинг ушиши 95,6 % ни ташкил этган. Энг юкори ушиш суратига корхона 1999 йилда эришган. Шунинг олдинги йилга нисбатан ушишда энг юкори ушиш сурати хам 1999 йилга туЕри келмокда. Бундан куришиб турибдики корхона сунги пайтларда асосий этиборни эскирган асосий фондларни хисобдан чикаришга ва уларни янги фондлар билан куруллантиришга каратмокда.

Асосий воситаларни актив ва пасив фондларга таркибланда асосий жихат уларнинг махсулот ишлаб чикаришдаги бевосита иштирокига каратилади. Актив асосий воситлар деб махсулот ишлаб чикаришдан бевосита ва билвосита катнашувчи асосий воситаларга айтилади.

Ишлаб чикариш учун шароит яратиб берувчи асосий воситалар эса пасив асосий фондлар сифатида каралиб уларнинг таркибига бевосита бинолар иншоатлар хужалик инвентарлари ва х.к. киритилади.

Тахлил этишда жами асосий воситалар таркибида уларнинг салмок даражаларига бахо берилади ва узгаришлари урганилади.

Актив ва пасив фондлар тахлили.

Курсаткичлар	Утган йил		хисобот йили		Фарки	
	Суммаа	%	Сумма	%	Сумма	%
Жами асосий воситалар	165100	100	245500	100	80400	*
Шу жумладан актив асосий воситалар	140665	85,2	201555	82,1	+60890	-3,1
Пассив асосий воситалар	24435	14,8	43945	17,9	+19510	+3,1

Корхона жами асосий воситалар таркибида актив фондлар улуши 85.2 фоиздан 82.1 фоизга узгарган. Яъни жорий даврда асосий воситаларнинг актив кисми утган йилга нисбатан 3.1 фоизга кам булган. Бу камайиш асосий воситаларнинг пасив кисмининг ортиши хисобига копланган.

Асосий воситаларнинг утган йилга нисбатан мурак узгариши +80400 минг сумни еки 48,6 фоизга ($80400/165100 * 100$) ташкил этган.

Асосий фондларнинг техник холатининг тахлили Асосий воситаларнинг холат курсаткичларига куйидагилар киритилади

-Асосий воситаларнинг яраклилик даражаси;

-Асосий воситаларнинг эскириш даражаси;

Яроклилик даражаси асосий воситаларнинг колдик кийматини уларнинг бошлангич кийматига булиш оркали;

Эскириш даражаси асосий воситаларнинг эскириш кийматини уларнинг бошлангич кийматига булиш асосида аникланади.

Яроклилик ва эскириш коэффициентлари йигиндиси коэффициентда 1 га, фоизда 100 тенг булади.

Асосий воситаларнинг ҳолат курсаткичларига караб уларнинг техник ҳолатига баҳо берилади ва уларни тартиблаш буйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Асосий воситаларнинг ҳолатини урганишда қорхона амортизация сиесатига, асосий воситаларнинг манавий эскирганлик даражасига, фойдаланишдан олиб қуйилган асосий воситалар ҳолатига муҳим эътибор қаратилади.

Асосий воситаларнинг ҳолат курсаткичларини уларнинг ҳар бир тури ва жами буйича урганилади. Таҳлил учун зараур бўлган маълумотлар 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 3-шакл «Асосий воситаларнинг ҳаракати туёрисидаги» ҳисобот шаклларида олинади.

Асосий воситаларнинг ҳолат курсаткичлари уларнинг ҳаракат курсаткичлари билан тулдирилади.

жадвал

Асосий воситаларнинг ҳолат курсаткичлари таҳлили.

Асосий воситалар	Бошлангич киймати	Эскириш киймати	Қолдик киймати	Эскириш даражаси	Яроклилик даражаси
Утган йил	168900	54890	114010	32,5	67,5
Ҳисобот йили	187320	65780	121540	35,1	64,9
Фарқи	+18420	+10890	+7530	+2,6	-2,6

Қорхонада асосий воситаларнинг эскириш даражаси утган йилга нисбатан 2,6 % га ошган. Унга қарама қарши бўлган курсаткич асосий воситаларнинг яроклилик даражаси эса 2,6 % га қамайган.

Асосий фондларнинг янгиланиш динамикаси, меҳнатнинг фонд билан қуролланиши таҳлили. Асосий воситаларнинг ҳолат курсаткичлари уларнинг ҳаракат курсаткичларини урганиш асосида тулдирилади.

Асосий воситаларнинг ҳаракат курсаткичларига уларнинг янгиланиши ва чиқиб кетиш коэффициентлари кироитилади. Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти жорий даврадан янгидан киритилган асосий воситалар кийматини асосий воситаларнинг йил охирига бўлган кийматига булиш орқали топилади. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффициенти жорий даврда чиқиб кетган асосий воситалар кийматини уларнинг йил бошига бўлган кийматига булиш асосида аникланади.

Бу таркиблани асосий воситаларнинг жами катори ва хар битта таркиби буйича бериб утиш мумкин.

Асосий воситаларнинг харакат курсаткичлари тахлили.

Асосий воситалар	Асосий воситалар р йил бошига колдиги	Янгидан кабул килинган асосий воситалар	Чиким килинган асосий воситалар р	Асосий воситалар йил охирига колдиги	Янгиланиш коэфф.	Чикиб кетиш коэфф.
Утган йил	155690	14500	1290	168900	8,6	0,8
Хисобот йили	168900	22380	3960	187320	11,9	2,3
Фарқи	+13210	+7880	+2670	+18420	+3,3	+1,5

Корхонада асосий воситаларнинг харакат курсаткичларини узгариши тахлили шуни курсатадики жорий даврда асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси олдинги йилга нисбатан 3,3 % га усган. Хисобдан чикарилган асосий воситаларнинг утган йилга нисбатан узгариши эса +1,5 % га ортган. Улар орасидаги нисбат 2.2 га (3.3 / 1.5) тенг булган.

Тахлилда асосий воситаларнинг янгиланиш ва чикиб кетиш сабабларига хам мухим эътибор берилди.

Асосий воситаларнинг янгиланиш манбалари

- капитал куйилмалар ва инвестициялар;
- хусусий капиталнинг усиши;
- узук муддатли кредитлар ва карзлар;

Асосий воситаларнинг чикиб кетиш сабаблари

- манавий эскириши;
- жисмоний эскириши ва фойдаланиш учун яроксиз холатга келиши;
- орттикчалик;
- сотишлар;
- угирликлар, йукотишлар ва бошка сабаблар.

Корхона (фирма) нинг асосий воситалар билан таъминланганлик еки курулланганлик даражаси деб ишлаб чикаришнинг меъер даражасида мехнат воситалари билан таъминланганлига айтилади.

Аввало, корхона (фирма) нинг меҳнат воситалари билан таъминланганлигида куйидаги жихатларини фарклаш лозим.

Узига тегишли булган меҳнат воситалар хисобига таъминлаш;

Ижарага олинган меҳнат воситалари хисобига таъминлаш.

Демак корхона хар иккала ҳолатда ҳам асосий воситалар билан таъминланганликнинг меъер курсаткичларига эга булиши мумкин.

Асосий воситалар билан таъминланганлик тахлилида корхона (фирма) да асосий воситаларнинг режага ва утган йилларга нисбатан мутлак ва нисбий узгаришларига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан курулланганлик курсаткичлари сифатида битта ишчига туёри келадиган меҳнат воситалари, иш урни, майдонининг асосий воситалар билан курулланганлик даражаси аникланади. Асосий воситалар билан курулланганлик даражаси уларнинг самарадорлик курсаткичларини урганиш асосида тулдирилади. Яъни корхона фаолиятига факат микдор курсаткичлар орқалигина эмас балки сифат курсаткичларини ҳам урганиш асосида баҳо берилади.

Асосий воситалар билан таъминланганлик ва курулланганлик тахлили.

Курсаткичлар	Утган йил	Хисобот йили	Фарқи
Асосий воситалар уртача йиллик киймати	162295	178110	+15815
Саноат ишлаб чиқариш ходимлари	1914	1760	-154
Бир ходимга туёри келадиган асосий воситаларнинг уртача йиллик киймати	84294	101199	+16905

Корхонада саноат ишлаб чиқариш ходимларининг асосий воситалар билан курулланиш даражаси утган йилга нисбатан 16905 сумга усган. Бу усиш иккита омил хисобимга укзатилаг 1- ишчилар сонининг узгариши хисобига, ҳамда 2- асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматининг узгариши хисоби. Ишчилар сонининг узгариши таъсиридаги фаркланиш (93056-84294) = +8762 сумга, асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматининг узгаришига хисобига (101199-93056)=+8143 сумга. Омиллар таъсири = +8762+8143=16905 сум.

Бунда 93056 сум шартли, битта саноат ишлаб чиқариш ходимига туёри келадиган асосий воситалар киймати. Яъни Асосий воситаларнинг хисобот йилги курсаткичи, ходимларнинг утган йил курсаткичига нисбати. (178110 / 1914).

Фонд кайтимининг динамикаси ва ва унга ташкилий техникавий омиллар таъсирининг тахлили. Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш иктисодий тахлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари корхона хужалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим курсаткичларидан бири сифатида олинади. Уларнинг каторига куйидагиларни киритиш мумкин.

Асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари.

Фонд кайтими	Фонд сигими
Саноат ишлаб чиқариш фондлари кайтими	<p>Маҳсулот ҳажми</p> $\Phi_k = \frac{\text{Саноат ишлаб чиқариш фондлари уртача йиллик қиймати}}{\text{Маҳсулот ҳажми}}$
Машина ва усқуналар кайтими	<p>Маҳсулот ҳажми</p> $\Phi_k = \frac{\text{Машина ва усқуналар уртача йиллик қиймати}}{\text{Маҳсулот ҳажми}}$
Саноат ишлаб чиқариш фондлари сигими	<p>Саноат ишлаб чиқариш фондлари уртача йиллик қиймати</p> $\Phi_c = \frac{\text{Маҳсулот ҳажми}}{\text{Саноат ишлаб чиқариш фондлари уртача йиллик қиймати}}$
Машина ва усқуналар сигими	<p>Машина ва усқуналар уртача йиллик қиймати</p> $\Phi_c = \frac{\text{Маҳсулот ҳажми}}{\text{Машина ва усқуналар уртача йиллик қиймати}}$

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унинг ҳолатига баҳо беришга иктисодий тахлилда аълоҳида аҳамият берилади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати деганда унинг тула иш билан бандлик ҳолатига айтилади. Бу ҳолат нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига балки унинг харажатлар таркибига, молиявий натижавийлигига ҳам таъсир этувчи бирлик сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва унинг фойдаланиш даражаларига баҳо бериш асосида корхонанинг жорий даврдаги иктисодий потенциали ҳамда уни мақсадли бошқаруви белгиланади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг тахлилининг куйидаги қаторларини каторларини характерлаш мумкин;

- корхона ишлаб чиқариш қувватларининг техник иктисодий курсаткичлари тизими;
- техник иктисодий курсаткичлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни қиесий тахлили;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона харажатларига таъсирининг тахлили;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига ва фаолият натижавийлигига таъсирининг тахлили.

Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланишда корхона томонидан ошкор этиладиган 2-б форма «Корхоанинг ижтимоий иктисодий курсаткичлар тизими» га муҳим этибор берилди.

Таҳлилда асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари ва уларнинг таъсир этувчи омиллар иккита таркиб буйича урганилади.

1. асосий воситаларнинг самарадорлиги ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили
2. Асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш курсаткичларининг маҳсулот ҳажмининг узгаришига таъсирининг таҳлили.

Асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари ва уларнинг узгаришига таъсир этувчи омиллар каторига қуйидагилар киритилади.

Фонд қайтими (сигими) ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар

-Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг узгариши.

-Асосий фондлар уртача йиллик қийматининг узгариши.

Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат воситалари билан боғлиқ булган омиллар каторига қуйидагилар киритилади;

-Асосий фондларнинг уртача йиллик қийматининг узгариши;

Фонд қайтими (сигими) нинг узгариши;

Асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари ва уларнинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Курсаткичлар	Маҳсулот ҳажми, корхона улгуржи баҳосида, минг сум.	Саноат ишлаб чиқариш фондлари уртача йиллик қиймати	Фонд қайтим и	Фонд сигим и
1	2	3	4	5
Утган йил	148952	56321	2,644	0,378
Шартли, ҳисобот йили	214632	56321	3,810	0,262
Ҳисобот йили	214632	58925	3,642	0,274
Утган йилдан фарк	+65680	+2604	+0,998	-0,104

Фонд кайтимининг узгаришига таъсир этувчи омиллар				
x	+1,166	-0,168	+0,998	X
Фонд сизимининг узгаришига таъсир этувчи омиллар тахлили				
x	-0,116	+0,012	X	-0,104
Мехнат воситалари билан боғлиқ омилларнинг маҳсулот ҳажмига таъсири				
x	+65680	+6884,9	+58807,1	x

Корхонада асосий воситаларнинг самарадорлиги утган йилга нисбатан бир қадар яхшиланган. Фонд кайтими ва унинг утган йилга нисбатан усиши +0,998 (3,642- 2,644) сумга тенг булган. Бу узгаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг узгариши таъсири 1,166 (3,810-2,644) сумни, асосий воситаларнинг ртача йиллик кийматининг узгариши эса салбий таъсир этган ва убнинг натижасида фонд кайтими –0,168 (3,642-3,810) сумга камайган. Барча омиллар таъсирида асосий фондлар кайтими утган йилга нисбатан 0,998 сумга ортган (3,642-2,644).

Асосий фондлар сизими утган йилга нисбатан –0,104 сумга камайган. Бу узгаришга маҳсулот ҳажмининг таъсири –0,116 (0,262 – 0,378) сумни, асосий воситалар уртача йиллик кийматининг узгаришининг таъсири эса +0,012 (0,274 – 0,262) сумни ташкил қилган.

Мехнат воситалари билан боғлиқ булган омилларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг тахлилида асосий воситалар уртача йиллик кийматининг узгариши таъсирида ялпи маҳсулот ҳажми +6884,9 (+2604*2,644) минг сумга, фонд кайтимининг узгариши ҳисобига +58807,1 (0,998*58925) минг сумга усишини куриш мумкин.

Ишлаб чиқариш жихозларини вақти ва қуввати буйича фойдаланиши тахлили. Ишлаб чиқариш жихозларидан вақт ва қувват буйича фойдаланиш тахлилида корхона асосий фондлари ва уларнинг таркибида машина ва ускуналар, станоклар иш вақтидан фойдаланишнинг даражасига, қувватларнинг фойдали иш коэффицентларига, фойдаланишнинг реал ҳолатига баҳо берилади.

Машина ва ускуналар иш вақтидан самарали фойдаланишда уларнинг жами саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари таркибидаги салмоғига ва уларнинг иш самарасига аҳамият берилади.

Машина ва ускуналарнинг жами жами ишлаган вақти ҳамда машина ва ускуналар иш вақтидан олинган самарадорлик курсаткичларини аниқлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг узгаришига таъсир этувчи омиллар тахлил этилади ҳамда уни устиришнинг ички имкониятлари белгиланади.

Куйидаги жадвал маълумотлари асосида уларни тахлил этишнинг услубий асосларини куриб утиш мумкин.

Машина ва ускуналардан самарали фойдаланиш курсаткичлари тахлили ва улар.

Курсаткичлар	Утган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
Маҳсулот ҳажми минг сум ҳисобида, корхона улгуржи баҳосида	125463	254698	+129235
Ишланган станок соатлар, минг станок соат	14780	16587	+1807

Бир станок соатда ишалб чикарилган махсулот хажми, минг сум	8,488	15,355	+6,867
-------------------------------------------------------------	-------	--------	--------

Корхонада махсулот ишлаб чикариш хажми утган йилнинг шу даврига нисбатан 129235 минг сумга усган. Бу узгариш бевосита саноат ишлаб чикариш воситалари таркибида машина ва ускуналар иш вақтининг узгариши ҳамда уларнинг хар бир станок соатига туёри келадиган иш унумининг узгариши билан характерланади. Ишланган жами станок соатлари утган йилга 1807 минг станок соатга усган, бир станок соатда ишалб чикарилган махсулот хажми эса 6,867 минг сумаг усган.

Фонд кайтимини ошириш имкониятлари.

Фонд кайтимини ошириш имкониятларини умулаштириш тахлил этиш боскичининг якуни хисобланади. Унда тахлил этиш натижларидан келиб чиккан холда корхонада асосий воситаларнинг самарадорлигини оширишнинг йуналишлари белгиланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичларини оширишнинг куйидаги йуналишларини корхона учун тавсия сифатида тушириш мумкин.

Ташкилий йуналишлар:

- асосий воситаларнинг факат корхонага иш берадиган кисминигина олиш;
- асосий воситаларнинг ортикча кисмини ушлаб турмаслик;
- эскирган асосий воситаларни ва манавий талабга жавоб бермайдиган асосий воситаларни хисобдан чикариш;
- асосий воситаларни фарклаш ва таркиблашни кайта узгартириш;
- асосий воситаларга амортизация хисоблашнинг муколлик шаклларини белгилаш ва х.к.

Техник йуналишлар:

- асосий воситаларни тамирлаш чоралари куриш, техник каров;
- эскирган асосий воситаларни янгилари билан алмаштириш;
- автоматлаштирилга тизимни яратиш;
- механизациялашни кучайтириш ва х.к.;

Эксплуатацион йуналишлар:

- бир сменалик ва куп сменалик;
- ишлаб чикариш хажмига караб асосий воситаларни техник холат ва харакатини бошкариш;
- асосий воситалар карови юзасидан маъсул шахсларни ажратиш;
- асосий воситалар буйича жавобгарлик марказларини белгилаш ва х.к.;

2.2. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг аудити.

Асосий воситаларни аудит қилиш вақтида фойдаланиладиган маълумот манбалари корхонада қабул қилинган ҳисоб сиесатига боқликдир. Бу танлаб олинган ҳисоб шакллари: журнал-ордерли, мемориал-ордерли, содалаштирилган, компьютерда ишлов учун йўналтирилган, шунингдек, қўлланиладиган регистрлар рўйхати, уларнинг тузилиши, улардаги ёзувлар мунтазамлиги ва ёзув усуллари билан белгиланади. Лекин, асосий воситалар бўйича операцияларни ҳисобга олиш юзасидан қандай шакл қўлланишига қарамадан улар дастлабки ҳисоб ҳужжатлари куйидаги умумлаштирилган идоралараро шаклларида расмийлаштириши лозимлигини унутмаслик керак:

- АВ-1 шакли - асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (юк хати);
- АВ-3 шакли - таъмирланган, қайтадан тикланган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси;
- АВ-4 - асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

- АВ-4а - автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

- АВ-6 - асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар варақаси ва бошқалар.

Асосий воситалар ва улар бўйича эскиришнинг синтетик ҳисоби 13, 10, 10/1-сонли журнал-ордерларда олиб борилади, маълумотларни компьютерлаштирилган технологияси қўлланилганда эса - "Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар", "Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобварақлари бўйича дебет ва кредит айланмаларнинг машинограммаларида; Бош китобда; балансда (1-сонли шакл); "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"да (2-сонли шакл); "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот"да (3-сонли шакл) олиб борилади.

Асосий воситалар ҳисоби аудитининг асосий йўналишлари қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- асосий воситалар мавжудлиги ва сақланиши юзасидан назоратни;
- буюмлар асосий воситаларга тўғри ўтказилишини;
- асосий воситалар ҳисобда тўғри баҳоланишини;
- асосий воситалар қабул қилиниши ва тугатилиши бўйича операциялар ҳисобда тўғри расмийлаштирилиши ва акс этилишини;
- асосий воситалар эскириши ва таъмирланиши ҳисобда тўғри ҳисоб-китоб қилиниши ва акс эттирилишини;
- асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда тўғри акс эттирилишини.

Асосий воситалар аудитининг асосий вазифаларига мувофиқ текширувни етти йўналишга ажратиш мумкин:

- 1) асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити;
- 2) асосий воситалар ҳаракатининг аудити;
- 3) асосий воситалар бўйича эскириш тўғри ҳисобланганлигининг аудити;
- 4) асосий воситалар қабул қилиниши бўйича операцияларни текшириш;
- 5) асосий воситалар тугатилиши тўғри ҳисобга олинганлигини текшириш;
- 6) асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар асосланганлигини текшириш;
- 7) асосий воситаларга оид операциялар тўғри солиққа тортилганлигини текшириш.

Асосий воситалар ҳисобининг аудиторлик текширувини режалаштириш иқтисодий субъект аудиторлик текширувининг йиқма умумий режаси ва йиқма дастури асосида амалга оширилади.

Асосий воситаларни текширишга оид умумий режа юқорида қайд этилган бўлимлар бўйича аудит йўналишларини ҳисобга олиши лозим.

Аудиторлик текшируви умумий режа ва дастурининг мазмуни жадвалларда келтирилган.

жадвал

Асосий воситалар аудитининг умумий режаси

Текширилаётган корхона "MADINA" МЧЖ;
 Аудит ўтказиладиган давр 2009.01.01.дан 2009.31.12.гача;
 Одам-соат миқдори 280;
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари Аҳмедов З.Д.;
 Аудиторлик гуруҳи таркиби Аҳмедов З.Д., Ким А.А.;
 Режалаштирилаётган аудиторлик таваккалчилиги 4%;
 Режалаштирилаётган аҳамиятлилик даражаси 1%.

Г.р.	Олиб бориладиган ишлар режаси (вазифалар мажмуи)	Ўтказиш муддати	Ижрочи-лар	Изоҳ
1	2	3	4	5
1	Асосий воситалар мав-жудлиги ва сақланиши-нинг аудити	Хисобот йили бўйича	Аҳмедов З.Д. Ким А.А.	Иқтисодий субъект аудитининг йиқма умумий режасига мувофиқ
2.	Асосий воситалар ҳаракатининг аудити	-"-	Аҳмедов З.Д.	
3	Эскириш тугри ҳисобланганлигининг аудити	-"-	Ким А.А.	
4	Асосий воситалар қабул қилиниши ва барпо эти-лишининг аудити		Аҳмедов З.Д.	
5	Асосий воситаларни таъ-мирлаш бўйича ҳисобни текшириш		Ким А.А.	
6	Асосий воситалар тугати-лиши ҳисобини текшириш		Аҳмедов З.Д.	
7	Асосий воситалар тўғри солиққа тортилганлигини текшириш		Аҳмедов З.Д.	

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Фаттохов А.А.

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Аҳмедов З.Д.

Асосий воситалар аудитининг дастури

Текширилаётган корхона "MADINA" МЧЖ;
 Аудит ўтказиладиган давр 2009.01.01.дан 2009.31.12.гача;
 Одам-соат миқдори 280;

Аудиторлик гуруҳи раҳбари
 Аҳмедов З.Д.;
 Аудиторлик гуруҳи таркиби

Аҳмедов З.Д., Ким А.А.;

Режалаштирилаётган аудиторлик таваккалчилиги *4%*;

Режалаштирилаётган аҳамиятлилик даражаси *1%*.

Т.р.	Аудиторлик тадбирлари (муолажалари)нинг рўйхати	Ўтказиш даври	Ижрочи-лар	Аудиторнинг ишчи хужжатлари
1	2	3	4	5
1	Асосий воситалар мавжуд-лиги ва сақланишининг аудити	Йил давомида	Аҳмедов З.Д. Ким А.А.	
1.1	Асосий воситаларни қабул қилиш бўйича комиссиялар тузилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, фармойишлар
1.2	Асосий воситаларни сотиб олиш-сотиш шартномалари расмийлаштирилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Шартномалар, келишувлар
1.3	Келишув нархлари бўйича баённомалар расмийлаштирилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Аҳмедов З.Д.	Баённомалар, келишувлар, буйруқлар
1.4	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолат-номаларида уларнинг даст-лабки қиймати тўғри акс этилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Қабул қилиш-топшириш далолатномалари, инвентар вара-қалар, руйхатга олиш дафтар-лари
1.5	Объектлар куриб битказил-гани ва жиҳозлангани ёки тиклаш ва қисман тугатилга-нидан кейин уларнинг даст-лабки қиймати тўғри акс этирилганлигини тек-шириш	Ўар чоракда	Аҳмедов З.Д.	Лойиҳа-смета хужжатлари, буйруқлар, инвентарлаш далолатномалари
1.6.	Корхона бухгалтериясида асосий воситаларнинг синте-тик ва таҳлилий ҳисоби ва улардан фойдаланиладиган жойларда моддий жавобгар шахсларнинг ишлари қан-дай ташкил этилганлигини баҳолаш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Дастлабки хужжатлар, ҳисоб регистр-лари, ҳисоб сиёсати
1.7.	Корхонада асосий восита-ларни таъмирлаш харажат-лари ҳисоби бўйича амал қилинаётган тартибни тек-шириш ва баҳолаш	Ўар чоракда	Аҳмедов З.Д.	Ҳисоб сиёсати, буйруқлар, сметалар, ҳисо-ботлар
1.8	Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларини текшириш	Опера-циялар содир этилган сари	Ким А.А.	Буйруқлар, да-лолатномалар, инвентарлаш хужжатлари, хи-соб регистрлари
1.9	Асосий воситаларнинг охириги инвентарлаш натижаларини текшириш	Йил да-вомида	Аҳмедов З.Д.	Инвентарлаш хужжатлари, дастлабки хуж-жатлар, ҳисоб регистрлари

1.10	Корхона бухгалтерияси то-монидан асосий воситалар бўйича ҳисоб варақалари ва белгиланган моддий жавоб-гар шахслар бўйича инвентарлаш рўйхатлари юритилиши тартиби билан танишиш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Ҳисоб варақалари, инвентарлаш ҳужжатлари, буйруқлар, моддий жавобгарлик бўйича шартномалар
1.11	Корхона бухгалтерияси амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигини текшириш	Ўар чоракда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, фармойишлар
1.12	Мавжуд асосий воситалар ҳисоботда акс эттирилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Ҳисобот шакллари
2.	Асосий воситалар ҳаракатининг аудити	Йил давомида	Аҳмедов З.Д. Ким А.А.	
2.1	Низом капиталига ўтказилган бадаллар бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, қабул қилиш далилатномалари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари
2.2	Низом капиталига бадал сифатида киритилаётган асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини текшириш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Баҳолаш услублари, таъсисчилар мажлисининг баённомалари
2.3	Асосий воситалар Низом капиталига таъсисчилар бадаллари сифатида амалда киритилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, далилатномалар, ҳисобварақлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
2.4	Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб қилинганда асосий воситалар амалда тугатилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Далилатномалар, буйруқлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
2.5	Асосий воситалар ҳаракати ҳисоботда акс этилганлигини текшириш	Ўар чоракда	Ким А.А.	Ҳисобот шакллари
3.	Эскириш тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Йил давомида	Аҳмедов З.Д. Ким А.А.	
3.1	Асосий воситалар бўйича ҳар ойда эскириш тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Ўар ойда	Аҳмедов З.Д.	Маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
3.2	Эскириш ҳисобланмайдиган асосий воситалар объектларини текшириш	Ўар ойда	Ким А.А.	Маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, ҳужжатлар
3.3	Тезлаштирилган эскириш ҳисобланмайдиган асосий воситалар объектларини текшириш	Ўар ойда	Аҳмедов З.Д.	Ҳисоблашлар, маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, сметалар

3.4	Низом капиталига бадал-лар сифатида киритилаёт-ган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскиришни акс этувчи ҳужжатларини текшириш	Низом капита-лига ки-ритили-ши бўйича	Ким А.А.	Директорлар Кенгашининг қарорлари, акциядорларнинг йиллик мажлис қарорлари
3.5	Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланишининг бошланиши ва тугатилиши муддатларини текшириш	Ўар ойда	Аҳмедов З.Д.	Баённомалар, маълумотнома-лар, ҳисоблар, далолатномалар, баланс, бухгалтерия ҳисоби ре-гистрлари, пул оқимлари тўғрисида маълумот-лар
3.б.	Хисоботда асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоб-ланиши акс этилганлигини текшириш	Ўар чорак	Ким А.А.	Хисобот шакл-лари

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Фаттохов А.А.

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Аҳмедов З.Д.

Асосий воситалар ҳисоби бўйича одатда содир этиладиган хатолар қуйидагилардан иборат:

- 1) корхона ҳисоб сиёсатида асосий воситаларнинг таҳлилий ҳисоби инвентар варақаларида (АС-6 шакли) олиб борилиши кўрсатилади. Лекин, корхонада инвентар варақаларини юритиш шарт эмас деб ушбу кўрсатмани бажармайдилар, бунда бухгалтерияда инвентар рўйхатларининг нусхалари мавжудлигига асосланадилар, инвентар варақалари юритиладиган корхоналарда эса, ҳар доим ҳам барча реквизитларни қайд этиш талабларига риоя қилинмайди;
- 2) моддий жавобгарлик фақат асосий воситалар ҳисоби ҳисобварақларида ҳисобга олинган хусусий маблағлар бўйича ташкил этилди;
- 3) Бош китоб бўйича асосий воситалар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот инвентар варақаларидаги асосий воситалар бўйича қолдиқларига номувофиқлиги кўпчилик ҳолатларда эскириш нотўғри ҳисобланишига олиб келади;
- 4) асосий воситалар сотиб олинган нархлари бўйича кирим қилинмайди;
- 5) қарзга олинган маблағлар бўйича тўланган фоизлар харажатлари дастлабки қиймат таркибига киритилиши;
- 6) жисмоний шахслардан асосий воситаларни сотиб олишда ҳар доим ҳам даромад солиқи ушлаб қолинмайди;
- 7) асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш чоракда бир маротаба амалга оширилади;
- 8) корхонада меъерий фойдаланиш муддати тугаган объектлар бўйича эскириш ҳисобланиши давом этади;
- 9) қонунга хилоф равишда асосий воситалар бўйича тезлаштирилган эскириш ҳисобланади;
- 10) асосий воситалар ишга туширилгандан кейин эскириш йил бўйича бир текисда ҳисобламасдан, биринчи ойда ёки биринчи чоракда уларнинг 50% баланс қиймати ҳисобдан чиқарилади.

4.3.-жадвал

Асосий воситалар ҳисобининг текширувига оид саволномалар

	Текширув учун саволлар	Аудит манбалари	Текширув натижалари	
	2	3		
	Корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар: а) хусусий б) ижарага олинган	Бухгалтерия ба-ланси (1-сонли шакл)		
	Корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар: а) фойдаланишда; б) қайта тиклашда; в) захирада.	Титул рўйхати, лойиҳа-смета хуж-жатлари; инвентар варақалар (АВ-6 шакли), 4.0100, 0820-сонли ҳисоб-варақлар гуруҳига оид маълумотлар		
	Асосий воситаларни қабул қилиниши ва бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этили-шини текшириш: а) капитал қўйилмалар: - капитал қурилиш; - бошқа корхоналардан ёки шахслардан пулга сотиб олинган; б) бепул олинган; в) таъсисчиларнинг улуш си-фатида Низом капиталига қўйилмалар; г) молиялаштирилган лизинг шартномаси бўйича олинган	Сотиб олиш-сотиш шартномалари, таъсис шартнома-си, хатлар, баённо-малар, 4.0100, 0300, 0820-сонли ҳисобварақлар гу-руҳи маълумотла-ри, капитал қури-лиш бўйича лойи-ҳа-смета хужжатла-ри, лизинг шарт-номаси ва бошқа-лар		
	Эскиришни ҳисоблаш бўйи-ча амалдаги усул: а) тўғри чизиқли; б) ишлаб чиқариш; в) кумулятив; г) камайиб борувчи қолдиқ	Корхонанинг ҳисоб сиёсати		

	узули			
	Эскириш меъёрлари асосий воситаларнинг турлари бўйича тўғри қўлланилганми?	Солиқ Кодекси, инвентар варақалари, асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш қайдно-маси		
	Инвентар варақаларида эскириш ҳисобланишининг тугатиш санаси кўрсатилганми?	Инвентар варақалар		
	Эскириш ҳисобланиши ўз вақтида тўхтатиладими?	Инвентар варақалари, асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш қайдномаси		
	Асосий воситаларни қайта тиклаш бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилганми?	Лойиҳа-смета хуж-жатлари, титул рўйхати, пудрат ишлари бўйича шартнома, носозликлар бўйича қайднома, наряд-буюртмалар		
	Ижарага олинган асосий воситалар ҳисоби тўғри юритиладими?	Ижара шартномаси, журнал-ордер маъ-лумотлари		
	Асосий воситаларнинг чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этилганми? а) тугатилган; б) сотилган; в) Низом жамқармасига қўйилган; г) бепул берилган; д) молиялаштирилган лизинг шартномаси бўйича берилган; е) оператив лизинг шартномаси бўйича берилган	Баённомалар, хат-лар, таъсис шартно-маси, сотиб олиш-сотиш шартномаси, ижара шартномаси, асосий воситалар тугатилиши тўғри-сидаги далолатнома (АВ-3, АВ-4 шакл-лари)		

	Асосий воситалар инвентар-лаши ўз вақтида ва тўғри ўтказилганми?	Буйруқ, инвентар-лаш далолатномаси, инвентарлаш ва со-лиштириш рўйхатно-малари, инвентарлаш комиссиясининг мажлис баённомаси			
	Инвентарлаш натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилганми	Солиштирма қайд-номаси, моддий жа-вобгар шахсларнинг тушунтириш хатла-ри ва мажбуриятла-ри, дастлабки ҳуж-жатлар ва ҳисоб регистрлари			
	Корхонада лизинг шартнома-си бўйича олинган асосий воситалар мавжудми? а) оператив; б) молиялаштирилган	Лизинг тўғрисида шартнома			
	Корхонада асосий воситалар қуйидаги саналар ҳолати бўйича қайта баҳоланганми? а) 1992.01.04.га; б) 1993.01.04.га; в) 1995.01.01.га; г) 2001.01.01.га ва ундан кейин ҳар йили	Ўзбекистон Респуб-ликаси ҳукумати-нинг қарори, қайта баҳолаш бўйича ҳисоб-китоблар			
	Балансдаги маълумотлар таҳ-лилий ҳисоб маълумотларига мос келадими?	Инвентар варақалар ва моддий жавобгар шахслар бўйича ин-вентар рўйхатлари, моддий жавобгар шахслар ва умуман корхона бўйича ин-			

		<p>венгар рўйхатлар, корхона бўйича ин- венгар рўйхатлар ва Бош китоб бўйича асосий воситалар хисобварақлар ининг қолдиқи, Бош китоб бўйича асосий воси- талар хисобварақла- рининг қолдиқи</p>			
	<p>Корхонада сотиб олинган асосий воситалар бўйича қопланмаган мажбуриятлар мавжудми?</p>	<p>Журнал-ордер маълумотлари; бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)</p>			
	<p>Асосий воситаларнинг даст-лабки қиймати мол-мулк со-лиқини ҳисоблаш учун ўз вақтида ва тўлиқ киритил-ганми?</p>	<p>Бухгалтерия балан-си (1-сонли шакл)</p>			
	<p>Эскириш коэффициентини бу маълум бир санага асосий воситалар бўйича эскириш-нинг уларнинг дастлабки қийматига нисбати</p>	<p>Бухгалтерия балан-си (1-сонли шакл)</p>			
	<p>Яроқлилиқ коэффициентини – бу асосий воситалар қолдиқ қийматининг бошланқич қийматига нисбати</p>	<p>Бухгалтерия балан-си (1-сонли шакл)</p>			
	<p>Асосий воситаларнинг рентабеллилиги – бу фойданинг асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати</p>	<p>Бухгалтерия балан-си (1-сонли шакл), молиявий натижа-лар тўғрисида хисо-бот (2-сонли шакл), асосий воситалар ҳаракати тўғрисида хисобот (3-сонли шакл)</p>			

3-боб. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг ҳисоби, аудити ва таҳлили мавзусини “ақлий ҳужум” асосида ўқитиш методикаси

3.1. Илғор педагогик технологиялар ва уларнинг таркибида “ақлий ҳужум” усулининг ўрни.

3.2. Маъруза машғулоты методикаси.

Вақт тақсимоти:

1-босқич: тайёрлов – 5 мин.

2-босқич: даъват (чақирув) – 15 мин.

3-босқич: англаш – 37 мин.

4-босқич: мулоҳаза (фикрлаш) – 20 мин.

5-босқич: уйга вазифа – 3 мин.

Ўқув материаллари:	Дарснинг аниқлаштирилган мақсади:
<ul style="list-style-type: none">• Илғор педагогик технологиялар• Дарсликлар• Тарқатма материаллар• Ёпишқоқ лента• Дафтар, ручка, қоғозлар• Плакатлар	Бу мавзуни ўзлаштиргандан сўнг талабалар: 1. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг ҳисоби, аудити ва таҳлилининг вазифалари 2. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг ҳисоби, 3. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг аудити 4. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг таҳлили тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўладилар

Таянч сўз ва иборалар.

Бошлангич киймат, қайта тикланган киймат, колдик киймат, таъмирлаш ишларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси, инвентар карточкалар, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси, капитал қуйилмалар, ҳисоб регистрлари, инвентаризация, камомад ва ортиқчаликни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, асосий воситаларни ҳисоботларда акс эттириш тартиби.

Дарснинг бориши

Машгулот босқичлари	Педагог	Талаба	Назорат	
Даъват (чақирув)	Саволлар беради:	Жавоб беради:	Жавоблар баҳоланиб борилади	
	1. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг иктисодий мазмуни ва хусусиятлари.	Асосий воситаларни таъмирлаш уларнинг фойдали хусусиятларини қувватлаб туриш билан боғлиқ эканлигини тукшунтиради.		
	2. Асосий воситаларни тамирлаш харажатларининг аналитик ҳисоби.	Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари объектлар ва бўлинмалар бўйича алоҳида ташкил этилиши лозим.		
	3. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари капиталлаштириладиган ҳоллар.	Асосий воситалар қувватининг ёки хизмат муддатларининг ортиши		
Англаш	<p>Тингловчиларга маърузалар матн тарқатилади ва уни гуруҳларда инсерт стратегиясидан фойдаланиб ўрганишни тавсия этади.</p> <p>«Инсерт» жадвалини тўлдириш мазмуни тушунтирилади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • менинг фикрларимни тасдиқлайди; • янги ахборот менинг билганимга зид; • янги маълумотлар билишни хоҳлайман. 	<p>Тингловчилар гуруҳларда матн билан танишади, қалам билан унинг ҳошияларига белгилайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадилар.</p> <p>Инсерт жадвалини тўлдириш бўйича тажриба матнини ўқиш вақтида олинган билимлар билан ўртоқлашишади.</p> <p>Матн билан ишлашда нима ноаниқ бўлгани ва ўйлантириб қўйгани ҳақида ўз фикрларини айтади.</p>	Жавоблар баҳоланади	
Фикрлаш	<p>-5 минут. Мустақил иш бажарилади</p> <p>-талабалар эътиборига плакатлар намойиш этилади, кластер тузилади.</p> <p>Ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига улар тузган кластер бўйича якун ясалади, рағбатлантирилади</p>	<p>Талабалар саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Дафтарларига плакатдан олинган маълумотларни ёзиб оладилар. Савол бўйича “Кластер” тузадилар</p>	Жавоблар баҳоланади	

Уйга вазифа	1. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби ва аудити мавзусини ўқиш топширилади. 2. Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби ва аудити бўйича ўрганиб келиш топширилади	Берилган топшириқларини бажарадилар.	
-------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------	--

“Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг ҳисоби, аудити ва таҳлили ”
мавзусидаги маърузанинг технологик картаси

Босқичлар, вақт	Фаолият	Метод	Фаолият
	Ўқитувчи		Талабалар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (5мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси: Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг ҳисоби,аудити ва таҳлили Машғулотни ўтказиш режаси: 1. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитларида асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг моҳияти ва тежамли олиб бориш зарурияти. 2. Таъмирлаш харажатларининг синтетик ҳисоби ва қопланиши манбалари. 3. Таъмирлаш харажатларининг аналитик ҳисоби. 4. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг таҳлили. 5. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг аудити.		1.1. диққат билан тинглайдилар ва дафтарга ёзиб оладилар
2-босқич. Ахборот босқичи (60-мин.)	2.1. Талабаларнинг ўзлаштириш даражасини текшириш учун саволлар: 1. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитларида асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг моҳияти ва тежамли олиб бориш зарурияти нимада ифодаланади. 2. Таъмирлаш харажатларининг синтетик ҳисоби ва қопланиши манбаларини	2.1. “Ақлий ҳужум” 2.2.“Маъруза”	2.1. Берилган саволларга ўз фикрларидан келиб чиқиб жавоб берадилар. 2.2. Тинглайдилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар.

	<p>кўрсатинг.</p> <p>3. Таъмирлаш харажатларининг аналитик ҳисоби.</p> <p>4. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг таҳлилини тушунтиринг.</p> <p>5. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларининг аудити.</p> <p>2.2. Билдирилган фикрларни умумлаштириб, босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза материалларини тушинтиради.</p> <p>2.3. Маърузани тушинтириш давомида визуал материаллардан фойдаланади (1-2-3-слайд) ва слайдларга оид диққатни жалб қилувчи саволлар беради.</p> <p>2.4. Мавзу режасининг 1-2-саволлари бўйича талабаларни икки гуруҳга ажратади ва тарқатма материал сифатида тайёрланган саволларни беради. (Блум саволари намуналари).</p> <p>2.5. Мавзунинг асосий мазмунини айтиб ўтади ва ўқувчиларга уларни ёзиб олишни таклиф қилади.</p>	<p>2.3. “Кластер”, “Ақлий ҳужум”</p> <p>2.4. “Блум саволлари”</p> <p>2.5. “Маъруза”</p>	<p>2.3. Визуал материалларни диққат билан кўрадилар ва берилган саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.4. Гуруҳларда муҳокама қиладилар ва жавобларни таклиф қиладилар</p> <p>2.5. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>3-босқич. Яқунловчи (15 мин)</p>	<p>3.1. Умумлаштирувчи хулосалар чиқаради ва маърузага яқун ясайди.</p> <p>3.2. Талабаларга ўтилган мавзу бўйича мустақил иш учун уйга вазифа беради. (назорат учун саволлар тўплами)</p>	<p>3.2. “Амалий”</p>	<p>3.1. Тинглайдилар.</p> <p>3.2. Берилган вазифаларни ёзиб оладилар.</p>

Амортизация хисоблашнинг жадаллаштирилган усулини куйидагиларга рухсат этилмайди:

- меъёр буйича фойдаланиш муддати 3 йилгача булган машиналар, асбоб ускуналар ва транспорт воситаларига;
- аэрофлотнинг самолёт мотор паркининг норматив хизмат муддати самолёт ва вертолётларнинг иш соатлари миқдорига боғлиқ булган айрим асбоб ускуналарга;
- автомобил транспортининг ҳар 1000 км ҳақиқатда босиб утилган йулига қараб фойзда хисобланадиган амортизация ажратмасига;
- факат белгиланган синов ва маълум маҳсулотларни чекланган миқдорда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб ускуналар ва техникаларга жадаллаштирилган амортизация хисоблашда амортизация хисоблашнинг тенг усули қулланилади, бунда амортизация ажратмасининг йиллик нормаси 2 мартадан ошмаслиги керак.